



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2012 йил 15 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 32 (12.093)

Баҳоси эркин нарҳда

...Иш қизғин давом этмоқда, модельерлар либосларга охириги ўзгаришларни киритмоқда, хонатлас ва зарбофдан тайёрланган бежирим кўйлақларга энг сўнгги безаклар берилмоқда. Бу жараён қайсидир машҳур Модалар уйида эмас, балки Яккасарой туманидаги энгил саноат касб-хунар коллежида кечмоқда. Бу ерда Лондон мода коллежи услуби бўйича ўқитиш жорий этилган бўлиб, бу ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини ривожлантириш ва модель санъатининг ажойиб намуналарини яратиш имконини бермоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



НАЗОКАТ — ЦЕХ

БОШЛИГИНИНГ ЎРИНБОСАРИ

лаштириш каби йўналишлар мавжуд. Шу билан бирга, бухгалтерлик ҳисоби ва молия бўйича ҳам мутахассислар тайёрланади.

Хозирги вақтда коллежда 976 нафар ўқувчи билим олмақда. Уларнинг 732 нафари энгил саноат соҳасининг бўлажак мутахассисларидир.

Уқувчиларни ўқитиш ва касбга тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Коллежнинг 4 қаватли биносидан 26 ўқув хонаси ва лабораториялар, 2 компьютер синфи, спорт зали, 26 мингдан ортиқ китобни, жумладан, 5 мингдан ортиги махсус фанлар

бўйича дарсликларни, ўқув фильмлар ёзилган 280 дискни ўз ичига олган ахборот-ресурс маркази жойлашган. Коллежда 10 дан зиёд фан ва спорт тўғрисидаги ишлаб турибди, маънавият ва маърифат маркази, истеъдодли ўқувчиларнинг ишлари намойиш этиладиган музей фаолият кўрсатмоқда.

Бу ердаги етти та тикувчилик устахонасида ҳар қандай бичимдаги либосларни ишлаб чиқариш ҳамда моделлаштириш жараёнини ўзлаштириш имконини берадиган барча зарур асбоб-ускуналар мавжуд.

(Давоми 2-бетда)

Сўз — конференция иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ТАНЛАГАН ЙЎЛИ ХОРИЖДА ҲАМ КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНИЛМОҚДА

Тошкент шаҳрида 16-17 февраль кунлари «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизациялашнинг муҳим шарт» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Мазкур халқаро анжуманда ўнлаб мамлакатлардан юзлаб мутахассислар ва экспертлар иштирок этади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлади.

Парвиз МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университети профессори (АҚШ):

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Бугун унинг жаҳондаги обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Бу, айниқса, мамлакатингизда демократия ва бозор иқтисодиётига оид ислохотларни амалга ошириш натижасида қўлга киритилган улкан ютуқларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишида, давлатингизнинг минтақада барқарорлик ва ҳафсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари бераётган самараларда ўз ифодасини топтомоқда.

Мен, мутахассис сифатида мамлакатингизда изчиллик билан амалга оширилётган ислохотларни кузатиб бораман. Ўзбекистон Республикасида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида демократия асосларини мустаҳкамлашга, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришга, халқ фаровонлигини муттасил оширишга доимий эътибор қаратилётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистонда ёшларга, айниқса, уларнинг таълим олишига кўрсатилётган улкан эътибор мени гоёт қувонтиради. АҚШда аксарият талабалар ўзлари тахсил олаётган таълим даргоҳига кам қатнайди. Қолган вақт уйларида интернет орқали дарсларда иштирок этади. Бундай ҳолга мен мутлақо қаршиман. Тўғри, масофадан ўқитиш тизими айрим тоифадаги ёшлар учун қулай. Аммо бундай таълим тизимига муҳтож бўлмаган талабаларни масофадан ўқитиш нотўғри йўл, деб ўйлайман. Ҳар бир талаба ёки ўқувчи дарсларда ўзи иштирок этиши, ўқитувчи билан бевоқифа мулоқотда бўлмоғи лозим. Ана шундагина у ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишади.

Шуни унутмаслик кераки, ҳар бир мамлакатнинг келажак пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқнинг эртанги куни қандай бўлиши бугунги ёшларнинг қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Ўзбекистонда таълим соҳасини босқичма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда ислоҳ қилиш бўйича узққни кўзлаган дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Қарорлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатингизни рағбатлантиришга, халқингиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Етук мутахассислар тайёрлашга қаратилган ушбу ҳужжатларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши ёшларнинг пухта билим олиши, иқтисодини тўла намоеъ этиши, қобилиятини юзага чиқариши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлаётди. Бу борада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мамлакатингизда қўлга нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилгани бунинг далилидир.

Габриэле МЕНТЕС хоним, Дортмунд техника университети профессори (Германия):

— Ўзбекистонда фан-таълим, маданият, санъат, маънавият ва маърифат соҳаларида эришилаётган ютуқлардан ўрнатилган арзидир. Мамлакатингиз билан «Аъналар модернизацияси: Ўзбекистон тўқимачилиги мероси маданият ва иқтисодий манба сифатида» лойиҳаси доирасида бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келямиз. Бу борада Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти, Андижон машинасозлик институти ҳамда Ўзбекистон табиий тоғлар илмий тадқиқот институти билан ўрнатилган яқин алоқаларимиз яхши самаралар бераётди.

(Давоми 2-бетда)

Таълим

Ушбу ўқув муассасасида битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов 2011 йилнинг асосий якуналари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, коллежлар битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу сабабли ҳозир коллежлар ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва келажакда мазкур корхоналарда ишга жойлашиши бўйича шартномалар тузилмоқда.

— Коллежимиз 2000 йилда ташкил этилган, — дейди Яккасарой энгил саноат касб-хунар коллежи директорининг ўринбосари Сайёра Нишонова. — Бу ерда энгил саноат учун тикувчилик ва тикувчилик-трикотаж ишлаб чиқариш технологияси, кенг турдаги кийимларни моделлаштириш ҳамда лойиҳа-

Болалар спорти

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Спорт — саломатлик, соғлом ҳаёт тарзининг гарови. Болалар спортга эътибор қаратган, ёш авлоднинг соғлом ўсиши йўлида барча шарт-шароитларни яратган давлатнинг албатта келажаги буюк бўлади.

Ўтган ҳафтада Оксаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Юртбошимизнинг маърузаларини тинглар эканман, беихтиёр хаёлимдан юқоридаги фикрлар ўтди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, болаларда жуда ёшлигиданоқ спортга муҳаббат уйғотиб, аста-секин жалб этиш унинг келажакда муҳим роль ўйнайди. У бутун умр соғлом яшайди, турли зарарли иллатлардан холи бўлади. Бизнинг Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали томонидан ҳам болаларни спортга ошно этиши, уларнинг ҳар хил спорт турлари билан шугулланишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жамғарма ўз фаолиятини бошлаган 2003 йилдан то жорий йилга қадар 85 та иншоот фойдаланишга топширилган. Шу жумладан 22 та иншоот ТИПлар асосида (яна 4 та ТИП ҳомийлар маблағлари ҳисобига) бунёд этилди. 8 та мактабда спорт заллари қурилди. 22 та спорт иншоотлари реконструкция қилинди. 14 та мусиқа ва санъат мак-

таби қурилди ва капитал таъмирланди. 18 та сузиш ҳавзалари капитал таъмирланди. Бу мақсадлар учун республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва жамғарманинг худудий филиали ҳисобидан жами 41,8 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Биргина 2011 йил давомида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўқувчи-ёшлар ўртасида 304 та турли спорт мусобақалари уюштирилиб, уларга жами 60 мингга яқин ўқувчилар қамраб олинди. Шунингдек, ўтган бир йил ичида ўтказилган халқаро мусобақаларда иштирок этган ўқувчи-ёшлар томонидан 97 та медаллар қўлга киритилди.

2012 йилга мўлжалланган режалар ҳам бисёр. Президентимизнинг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида таъкидлаб ўтган йўналиш ва йўл-йўриқларидан илҳом олиб, фаолиятимизни янада самарали давом эттиришга ҳаракат қиламиз.

Дониёр СУЛТОНОВ, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали директори

ҚИСКА САТРАПЛАДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат маданият институтида Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 529 йиллигига бағишланган «Назм ва наво» мав-

зуида бадий-ижодий кеча бўлиб ўтди.

✓ **ЖОРИЙ** йилнинг 4-8 апрель кунлари пойтахтда V халқаро Тошкент инвестиция-молия форуми бўлиб ўтади. SAIPRO ахборот-рейтинг агентлиги ташаббуси билан ташкил этилаётган форумда инвестиция, сугур-

та, банк ва кредит, лизинг фаолиятлари, жамғарма ва қимматли қоғозлар бозоридаги долзарб масалалар муҳокама қилинади.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Олмазор туман бўлими томонидан «Сувсаномаш» корхонасида «Оғоҳликка даъват» мавзусида маъ-

навий-маърифий давра суҳбати ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи ҳамда 7- Болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамкорлигида 5-10 ёшли қизлар ўртасида «Ким чироили рақсга тушади?» деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтади.

XXI сағоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Нукусда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат но-тижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг «Экологик маданиятни ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари ходимлари ва журналистлар иштирокида семинар-тренинг ўтказиш» лойиҳаси доирасида тадбир бўлиб ўтди.

• Андижон шаҳридаги «Ҳамкор» халқаро бизнес марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдевори» мавзусида бизнес-форум ўтказилди. Унда 2011 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш лойиҳаларининг амалга оширилишида юқори натижаларга эришган ва намуна деб топилган тадбиркорлик субъектлари тақдирланди.

• Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг ташаббуси билан шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳузурида фаолият кўрсатаётган вояга етмаганлар ишлари билан шугулланувчи комиссия котиблари ўртасида ўтказилган «Йилнинг энг яхши масъула котиби» танловининг Сирдарё вилоят босқичи якунланди.

• Ўзбекистон Амалий санъат музейида «Зар-ла тиккан зардўзим» номли кўргазма очилди. Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда бухоролик зардўз Махфуза Салимова яратган амалий санъат асарлари намойиш қилинмоқда.

ЖАҲОНДА


• Мексикада мамлакат президенти Фелипе Кальдерон иштирокида дунёдаги энг баланд кўприкнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Очилиш мамлакат мустақиллигининг 200 йиллигига бағишланган, Синалоа ва Дуранго штатларини бирлаштирувчи маҳаббатли кўприкнинг баландлиги 403 метр, узунлиги эса 1124 метрни ташкил этади.

• Кеча Сингапурда халқаро авиакосмик салон ўз ишини бошлади. 19 февралга қадар давом этадиган мазкур халқаро тадбирда жаҳоннинг 35 мамлакатидан олиб келинган энг сўнгги русумдаги авиация воситалари намойиш этилмоқда.

• Дунёнинг телекоммуникацион технологиялар ишлаб чиқарувчи йирик компанияларидан бири «Alcatel-Lucent» ўзини Европадаги корхоналарида 1800 та иш ўрнини қисқартиришни режалаштирмоқда. Бунда баъзи иш ўринлари бутунлай тугатилса, айримлари аутсорсинг (хорижий меҳнат манбаларини вақтинча ёллаш) шаклига ўтказилади.

• Афина шаҳридаги Миллий бадий галереядан дунёга машҳур рассом Пабло Пикассо мўйқаламига мансуб асар ўғирлаб кетилди. Қизиги шундаки, номаълум шахслар Грециядаги энг яхши кўрикландирилган ушбу музейга балкон эшиги орқали кириб, сигнализация ишлаб кетгунга қадар ўтган беш дақиқа ичида Пикассонинг абстракт услубдаги асари, нидерландиялик ва италиялик рассомлар Пид Мондреа ва Гулер Макачие асарларини ўғирлашга муваффақ бўлганлар.

• Испаниянинг «Iberia» авиакомпаниясида учувчиларнинг раҳбариятдан норозилиги туфайли режадаги парвозлар бекор қилинди. Маълум бўлишича, раҳбариятнинг авиакомпания қоида янги, арзон нарҳларда хизмат кўрсатувчи «Iberia Express» авиакомпаниясини очиш тўғрисидаги қарори учувчиларнинг норозилигига сабаб бўлган.



Орзулари осмон болалик

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИЧ ДОМО БЎЛУҶ

ҲИКМАТ — ДИД ЧИРОҒИ ТЎРТЛИКЛАР

Оқиллар оромни савобдан олар,
Тилсимга топилган жавобдан олар.
Олтин дамларини елга созуриб,
Нодон аламини шаробдан олар.

Ҳар кун умримиздан узилган мева,
Балки бол, балки талх
териб олармиз.

Ҳар дам қалқиб турар
биз тушган кема,
Қиёмат қаҳрида қайда қолармиз.

Бахтнинг боғи ахир онам бағрида,
Тахтнинг тоғи ахир онам бағрида.
Юз йил юзинг чайсанг қанийди,
Маҳмуд,

Дуолар ёғилган меҳрин наҳрида.
Ой тун учун ором истаб нур сочади,
Қуёш куннинг бошларидан
дур сочади.

Нуру дурни кўрганингга
шукр қилсанг,
Тангри тутган туморлари юз очади.

Алп қаддинг дол бўлар,
қарзинг қистаса,
Соғ оёқ шол бўлар,
қарзинг қистаса.

Олмоқнинг бермоғи борлиги аён,
Билмам не ҳол бўлар,
қарзинг қистаса.

Сўз излаб саргайган
қунларим бўлди,
Сўз излаб қорайган тунларим бўлди.

Бунча ҳам мўътабар экан шеър сўзи,
Топганда титрадим, кўзларим тўлди.

Қанот қушлар учун берилгай аён,
Қаноат инсонни қилгайдир инсон.
Борар бекатини кўз илгаса ҳам,
Бесабр манзилга етмоғи гумон.

Ишончи инсонни сафда нор қилур,
Кимгадир қарамлар ўзин хор қилур.
Омад қўлдан кетса, аён ҳақиқат,
Ит имкон топса шерни дастёр қилур.

Соат юриш учун изн сўрмагай,
Оч одам таомнинг тузин сўрмагай.
Фунчани очилмай узганлар билмас,
Ўз умрин боғининг кузин кўрмагай.

Куйлаган одам куйдирса яхши,
Суймаган тошларни суйдирса яхши.
Жонон пилёна кафтида тутиб,
Ишқнинг бодасига тўйдирса яхши.

(Давоми бор) Маҳмуд ТОИР

Спорт янгиликлари

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

Маълумки, 14-27 май кунлари БААнинг Дубай шаҳрида мини-футбол бўйича Осиё чемпионати уюштирилади.

Қитъамазда энг кучли жамоалардан бири ҳисобланган Ўзбекистон терма жамоаси ўшбу нуфузли турнирга жиддий ҳозирлик кўриш мақсадида айни кунларда Испанияда ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этаётгани кўпчиликка маълум.

Шуниси эътиборлики, 17 февралга қадар да-

вом этадиган машғулотлар доирасида мини-футболчиларимиз Мадрид ва Каталониянинг бир неча номдор клублари билан ўртоқлик учрашувларида жисмоний ҳамда руҳий тайёргарликларини синовдан ўтказишмоқда.

Акбар Йўлдошев

Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси жорий йил Лондон шаҳрида бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига чиқиш учун ўтказилаётган Осиё саралаш мусобақаси доирасида 21 февраль кuni сафарда Ироқ футболчиларига қарши ўтказиладиган учрашувга пухта тайёрланмоқда.

ОЛИМПИАЧИЛАРИМИЗНИНГ ЙИРИК ЮТУҒИ

Вадим Абрамов Бирлашган Араб Амирликларидаги бу галги ўқув-машғулот йиғинига 22 нафар футболчиларни жалб этган. Ҳамюртларимиз жисмоний, техник, тактик ва руҳий тайёргарлик машғулотларидан ташқари, ўртоқлик учрашувларида ҳам майдонга тушмоқда.

Дубайдаги дастлабки ана шундай баҳсда олимпиячиларимиз Филиппин миллий терма жамоаси билан куч синашди. Ўзбекистонлик чарм тўп усталари рақиб жамоадан ҳар томонлама устунлигини намойиш қилиб, 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Уйиннинг 12-дақиқасида Кенжа Тўраев ҳисобни очган бўлса, қолган икки голга моҳир ҳужумчи Иван Нагаев муаллифлик қилди.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси навбатдаги ўртоқлик учрашувини 16 февраль кuni Уммон олимпиячиларига қарши ўтказди. Бу баҳс Уммон пойтахти Маскат шаҳрида ташкил этилди.

Эслатиб ўтамиз, ўзбекистонлик футболчилар Лондон Олимпиадаси саралаш мусобақасининг учинчи босқичида Австралия, Ироқ ва Бирлашган Араб Амирликлари олимпия терма жамоалари билан бирга «В» гуруҳида тўп сурмоқда. Бешинчи тур олдидан 8 очко жамғарган ҳамюртларимиз Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари билан бирга гуруҳда пешқадамлик қилмоқда.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Эркаклар ўртасидаги «Дэвис кубоги» мусобақасининг Осиё-Океания минтақаси биринчи гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси сафар учрашувида Янги Зеландия теннисчиларини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

САФАРДАГИ МУҲИМ ҒАЛАБА

Сарвар Икромов Даниэль Кинг-Тернерга ютқазди.

Осиё-Океания минтақасининг биринчи гуруҳида дастлабки босқичда Янги Зеландия жамоасидан 3:2 ҳисобида ус-

тун келган Ўзбекистон терма жамоаси нуфузли мусобақанинг 6-8 апрель кунлари ўтказиладиган кейинги раундда Хиндистон теннисчилари билан куч синашди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР 050

«КО'СНАМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

1. Аукцион савдоларига Учтепа туман СИБ томонидан куйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда:

1. Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2010 йил 3 августдаги 1-3176/10-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани Белтепа кўчаси, 14-а уй 71-хонадон манзилда жойлашган, умумий майдони 82,96 кв.м, яшаш майдони 53,96 кв.м бўлган, 4 та яшаш хонаси, ҳоҳлатхона, ошхона, айвон, ҳаммом, дахлиздан иборат уй кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 51 000 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 23 ноябрдаги 10-1119/19188-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Учтепа туман, 22-даҳа, 10-уй манзилда жойлашган, умумий майдони 73 кв.м бўлган, 4та умумий хонадан иборат, 2та хона сартарошхона учун, 1та хона дўкон учун, 1та овқатланиш хонасидан иборат 4 қаватли бинонинг 1-қавати кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 25 000 000 сўм.

3. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманларо судининг 2010 йил 21 октябрдаги 1-6104/10-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Зиё Саид кўчаси, 96-уй манзилда жойлашган, 417 кв.м ер сатҳида жойлашган, 1 та алоҳида иморат, 2 та яшаш хонаси, 1 та радон, ертўла, айвон, бостирма йўлак, болхона, ҳоҳлатхона, ошхона, 3та яшаш учун мўлжалланган иморатлар кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 35 000 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Олма-

КЎМАККА ҲАМИША ШАЙМИЗ

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Тезкор навбатчилик қисми телефонларига ёрдам ва маслаҳат сўраб, шаҳар аҳолиси, меҳмонлари ҳамда ташкилотлар ва муассасалардан кўнжроқлар тушган заҳоти Қутқарув отрядининг Тезкор гуруҳи шай ҳолатда кўмакка шошилади. Туну кун зимматга шай йигитларимиз дарҳол воқеа жойига етиб бориб, зарур Қутқарув асбоб-ускуналари ёрдамида хизмат кўрсатиб, аҳолининг ишончини қозонишга ҳаракат қилиб келмоқдалар.

Тошкент шаҳар ФВБ Қутқарув отряди томонидан 2011 йил мобайнида шаҳар аҳолиси, меҳмонлар ҳамда ташкилотлар ва муассасалардан маслаҳат ва ёрдам сўралган муҳожатларга асосан жами 474 мартаба чиқишлар қилинган хизматимиз нечоғли масъулиятли эканидан далolat беради.

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд қилинган муҳожатлардан жами 336 таси Қидирув-қутқарув гуруҳи, 135 таси Сузда қутқарув гуруҳи ва 3 таси РКБ(Б)М гуруҳи томонидан бажарилди. Инсонлар ҳаёти ва йирик микдосдаги фавқулодда вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган қақаруларга Қутқарув отряди қутқарувчилари, мутахассислари ва бошқарма офицерлари зудлик билан воқеа содир бўлган жойга етиб бориб, экстремал вазиятга тушиб қолган инсон-

Сузда қутқарув гуруҳи қутқарувчи-ғаввослари томонидан 135 мартаба қақаруларга чиқилиб, қидирув-қутқарув ишлари олиб борилди.

Бир мисол. Утган йилнинг 13 июль кuni соат 14:57 да Юнусобод тумани худудида жойлашган «Ўзэкспомарказ» ёнидан оқиб ўтувчи Бўзсув каналининг ўртасидаги оролчада одам ётганлиги тўғрисида Тошкент радиотелевизион узатиш маркази ходими томонидан Тошкент шаҳар ФВБ Тезкор навбатчилик қисмига хабар тушди. Шу заҳоти Қутқарув отряди командири катта лейтенант Файзулла Муротов бошчилигида Қутқарув отрядининг 5 нафар қутқарувчи-ғаввослари махсус жиҳозланган автололда воқеа жойига етиб келишди.

Қутқарувчи-ғаввосларимизнинг сая-ҳаракати билан Юнусобод тумани Фуломмаҳмуд Абдуллаев кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро оролчадан соғ-саломат олиб чиқилиб, ҳаёти сақлаб қолинди.

Эътиборли жиҳати шундаки, қутқарув ишларининг самарали кечишида Тошкент шаҳар ФВБ Қутқарув отряди командири катта лейтенант Файзулла Муротов ҳамда қутқарувчи-ғаввослар — Бахтиёр Насметов, Дониёр Нурматов, Сафарали Усмонов, Санжар Холматов, Ботир Усмоновларнинг муносиб хиссаси бор.

Қўтилмаганда қалтис вазиятга тушган ёки техноген авариялар натижасида жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб, уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш Қутқарув отряди халоскорларининг нафақат асосий вазифаси, балки инсонийлик бурчи ҳамдир.

Мақсуд МАНСУРОВ,
Фавқулодда вазиятлар бошқармаси гуруҳ командири, сержант.
Азамат СУЮНОВ,
журналист

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

3-5 даража илиқ бўлди. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра 16 февралда Тошкент шаҳрида ҳаво ўзағариб ҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларини бироз йиллишиди. Кечаси ва эрталаб туманга имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиш да-секундида 3-8 метр тезликда ражаси 1-3 фойз кўпайиши шамол эсади. Ҳарорат кеча-таҳмин қилишмоқда, тағмиқ-си 8 даража совуқ, кундузи дори наст бўлади.